1925-YILDAN CHIQA BOSHLAGAN

O‘ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI

2018-YIL 5-MAY SHANBA

Biz — kelajak bunyodkorimiz!

# YOSHLAR OVOZI

53 (16210)

www.yoshlarovozi.uz
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

O‘zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## МАМЛАКАТНИ ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАШ ЖАРАЁНИДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ РОЛИНИ ТУБДАН ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кейинги вақтларда жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида демократик ўзгаришларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг роли ва аҳамиятини, ижтимоий фаоллигини ошириш бўйича сезиларли чора-тадбирлар кўрилди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган 200 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун зарур институционал база яратилди.

Бугунги кунда фаолият кўрсатаётган 9200 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, демократик қадриятларни ҳимоя қилишда, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришишда муҳим роль ўйнамоқда.

Шу билан бирга, ушбу соҳадаги ишларнинг ҳолати амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда, фуқароларнинг сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онгини оширишда, уларнинг маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларини қондиришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаол иштирок этишига тўсқинлик қилаётган қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигидан далолат бермоқда. Хусусан:

**биринчидан**, давлатнинг фуқаролик жамияти билан самарали ва конструктив мулоқот механизмлари йўлга қўйилмаган, нодавлат нотижорат ташкилотларининг эҳтиёжлари тизимли таҳлил қилинмаяпти, давлат ва жамиятни янада ривожлантиришнинг муҳим масалалари бўйича ўзаро фикр алмашиш учун самарали майдонлар яратилмаган;

**иккинчидан**, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб қилиш даражасининг пастлиги барча ижтимоий гуруҳларнинг турли нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ифодаланадиган манфаатларини чуқур ўрганиш ҳамда инобатга олишга имкон бермаяпти;

**учинчидан**, етарли қонунчилик базаси яратилганлигига қарамай, ижтимоий шериклик давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида фуқароларнинг кенг кўламли ижтимоий муаммоларини ҳал қилишга, уларнинг, айниқса, ёшларнинг ташаббуслари ва замонавий ғояларини ҳақиқатда илгари суришга қаратилган ҳамкорликнинг самарали механизмига айлана олмади;

**тўртинчидан**, мамлакатни социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан янада ривожлантириш бўйича инновацион ғояларни таклиф қилувчи фаол, ўзининг ташаббусларига таяниб фаолият кўрсатадиган нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чоралари лозим даражада амалга оширилмаяпти;

**бешинчидан**, нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатдан ўтказиш жараёнларини, уларнинг фаолияти тартибини белгиловчи қонунчилик нормаларида ортиқча бюрократик талаблар ва ғовлар назарда тутилган бўлиб, бу нормалар эскирган ва замон талабларига жавоб бермайди;

**олтинчидан**, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қўлланилаётган идоралараро ҳамкорлик усуллари самарасиздир, давлат органлари ўртасида маълумотлар ва ахборот алмашишнинг ягона механизмлари мавжуд эмас;

**еттинчидан**, нодавлат нотижорат ташкилотларининг моддий-техника таъминоти ҳанузгача қониқарсиз ҳолатда қолмоқда, фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашга давлат томонидан ажратилаётган маблағлар ўрта муддатли ва узоқ муддатли кенг кўламли ҳамда умумреспублика миқёсидаги лойиҳалар ва дастурларни амалга оширишга имкон бермаяпти.

Мамлакатнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишида фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини тубдан ошириш, уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ҳамкорлигини кучайтириш, шунингдек, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган вазифаларни босқичма-босқич амалга ошириш мақсадида:

**1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши** (кейинги ўринларда Маслаҳат кенгаши деб юритилади) иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар Маслаҳат кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

давлатнинг ва фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатни янада жадал ва ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини бирлаштирувчи замонавий, демократик ҳамда очиқ-ошкора майдон сифатида уларнинг юқори даражадаги тизимли ва самарали мулоқотини йўлга қўйиш;

ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини аниқлаш ва миллий моделини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

фуқаролик жамиятини ва кенг жамоатчиликни ташвишлантираётган долзарб масалаларни муҳокама қилиш, шунингдек, мазкур секторнинг ҳолати ва ривожланиш тенденцияси ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентини мунтазам равишда хабардор қилиш;

давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлигининг замонавий механизмларини, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чораларини жорий қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

илмий ва экспертлар гуруҳлари иштирокида фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни ташкил этиш юзасидан ташаббус кўрсатиш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги давлат сиёсати ва унинг амалий натижалари ҳақидаги жамоатчилик фикрини тизимли равишда ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлил қилишни ташкил этиш;

фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини такомиллаштириш, ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш, мазкур институтларнинг жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш учун қулай шароитлар яратиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритиш;

фуқаролик жамиятининг ривожланишини, фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ҳамкорлиги даражасини, шунингдек, уларнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасини баҳоловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқиш, бу кўрсаткичлар асосида даврий ва махсус, шу жумладан муқобил маърузалар тайёрланишини ташкил этиш;

фуқаролик жамияти институтларига уларнинг халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришда, илғор халқаро тажрибани ўрганишда ва ушбу тажрибани Ўзбекистон шароитида жорий этишда кўмаклашиш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Маслаҳат кенгаши фаолияти бевосита Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мувофиқлаштирилади;

Маслаҳат кенгаши фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан амалга оширилади.

(Давоми 2-саҳифада)

MUNOSABAT

## НАМАНГАН НАМУНАГА АЙЛАНАДИ

Адабиёт аҳлига яхши маълумки, машҳур бир гуманитар ёзувчи мамлакатнинг бирор ҳудудига бормоқчи бўлса, аввал ўша жойнинг лаҳжасини ўрганиб, кейин йўлга чиқар экан.

Таъбир жоиз бўлса, ана шундай юксак маданиятни муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев фаолиятида ҳам кузатиш мумкин. Зотан, халқни ишонтириш, уни рози қилиш, турмуш даражасини яхшилаш учун тез-тез бевосита одамлар орасида бўлиш, уларнинг ўй-фикрини, орзу-умидини, ютуқ ва муаммоларини олдиндан сарҳисоб этиб боришнинг ҳам ўзига яраша масъулияти бор, албатта. Оддий одамлар онг-шуурида янгича руҳ, ифтихор, эртанги кунга қатъий ишонч туйғуларини уйғотаётган бундай мулоқотларга эҳтиёж кун сайин ортмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг вилоятимизга бу галги ташрифи ҳам ана шундай мазмунга эга бўлди. Айниқса, Президентимиз томонидан Наманган аҳлига билдирилган ишонч, бу юртнинг энг улуғ мезонлари — Абу Бакр Аловиддин Косоний, Махдуми Аъзам, Исҳоқхон Тўра Ибрат сингари улуғ бобокалонларимизга кўрсатилган ҳурмат-эҳтиром, айниқса, маънавий-диний эҳромларимизни юксак даражага кўтариш билан боғлиқ қарашлар ва шу мақсад йўлида вилоят марказида "Ҳидоя" мажмуасини бунёд этиш тўғрисидаги ташаббуслар барча наманганликлар қалбидан чуқур жой олди.

Бунёд этилажак "Ҳидоя" ҳақида сўз юритган Президентимиз мазкур мажмуа юртдошларимизга Қуръон маданиятини етказишда, эзгулик ва ўзаро ҳурмат ғояларини тараннум этишда, адашганлар билан ишлашда, айниқса, ёшлар орасида адашганлар умуман бўлмаслигини таъминлашда Наманган намуна бўлиб хизмат қилишига қатъий ишонч билдирди.

Давлатимиз раҳбари ёшлар масаласидаги фикрларини давом эттириб, наманганлик ёшлар қўлга киритаётган ютуқларни эътироф этди ва кўплаб ёш спортчиларимиз номини алоҳида тилга олди. Шунингдек, Президентимиз вилоятимизнинг бирорта туманида ҳам Ёшлар маркази ташкил этилмаганини жиддий танқид қилар экан, бундан буён ҳар қайси ҳокимнинг кундалик ишининг эллик фоизи айнан ёшлар масаласида, айниқса, қишлоқларда болалар спортини ривожлантириш билан боғлиқ бўлиши зарурлигини уқтирди.

Наманганлик ёшларни ва бундан буён уларга алоҳида раҳнамолик қиладиган раҳбарларни ташаббусга чорлаб: "Биз қишлоқларни обод қиляпмиз, бу обод гўшаларнинг саранжом-саришта кўчалари ҳар куни тонгдан югуришга чиққан йигит-қизлар билан тўлиб-тошса ва бу Наманган ёшлари ташаббуси сифатида донг таратса, қандай яхши", — деди Президентимиз.

(Давоми 2-саҳифада)

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 май куни Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Мулоқотда давлат раҳбарлари олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида кўп қиррали Ўзбекистон – Қозоғистон ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашнинг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар.

Сиёсий ирода ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш туфайли Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шерикликка асосланган муносабатларда мавжуд улкан салоҳият тўлиқ рўёбга чиқаётгани катта мамнуният билан таъкидланди.

Ҳамкорликнинг эришилган юксак даражаси қардош мамлакатлар ва халқлар шериклигининг ёрқин намунаси экани алоҳида қайд этилди.

Қисқа муддатда ҳамкорликнинг барча йўналишлари бўйича улкан натижаларга эришилди. Икки томонлама муносабатлар тарихида илк бор 2018 йил Қозоғистонда Ўзбекистон йили деб эълон қилинди, 15 март куни Остонада унинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Савдо-иқтисодий, инвестиция, энергетика ва транспорт-коммуникация соҳаларидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Ўзаро савдо ҳажми изчил ўсиб, иқтисодиётнинг турли соҳаларида кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Ҳудудлар ва ишбилармон доиралар ўртасидаги алоқалар фаоллашди. Авиапарвозлар сони, автомобиль ва темир йўл ташувлари кўпайди, автобуслар қатнови тикланди. Маданий-гуманитар ва сайёҳлар алмашуви кенгаймоқда.

Шу маънода, қўшма лойиҳа ва дастурларни илгари суришнинг самарали механизми бўлган Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия фаолияти амалий натижалар бераётгани таъкидланди.

Мулоқотда Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Жорий йил март ойида Остонада бўлиб ўтган минтақа давлатлари раҳбарларининг биринчи саммити самарали натижалар бергани мамнуният билан қайд этилди.

Давлат раҳбарлари халқаро сиёсат ва минтақавий ҳамкорликнинг қатор долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Суҳбат якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев қардош мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатлари йўлида серқирра ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда кўп асрлик дўстлик ва шериклик алоқаларини мустаҳкамлаш борасида қатъий эканликларини таъкидладилар.

ЎзА

BELLASHUV

## "БАХТЛИ БОЛАЛАР" ҒОЛИБ БЎЛДИ



Нукус шаҳрида "Камалак билимдонлари" кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда ўн тўрт жамоа ғолиблик учун кураш олиб борди.

Дастлаб иштирокчилар "Ҳасратли она" хотира майдонига гул қўйиш маросимида иштирок этиб, И.В.Савицкий номидаги давлат санъат музейига саёҳат қилди. Айниқса, нукуслик тенгдошлари томонидан ўтказилган "Туғилган кун" акцияси уларда катта таассурот қолдирди.

Эртаси куни асосий беллашувлар бошланди. Ўқувчи-ёшлар "Таништириш", "Савол-жавоб", "Менинг орзуимдаги ташкилот" ва "Билимдонлар беллашганда" шартлари бўйича билим ва маҳоратини синовдан ўтказди.

Якунда топқирлиги, ташаббускорлиги ҳамда ажойиб лойиҳалари билан барчани лол қолдирган Сирдарё вилоятининг "Бахтли болалар" жамоаси биринчи ўринга лойиқ топилиб, Бухоро, Самарқанд, Жиззах вилоятларига саёҳат йўлланмасини қўлга киритди. Қорақалпоғистон Республикасининг "Кўзмунчоқ" жамоасига иккинчи, Тошкент шаҳрининг "Камалак тизгинлари" жамоасига учинчи ўрин насиб этди.

Ғолиб ва совриндорлар диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

**Қумар БЕГНИЯЗОВА**

EHTIROM

## ДОИМО ЭЪЗОЗДА



1942 йил. Жондорлик Зариф Жумаев 17 ёшида ҳамқишлоқлари қатори ҳарбий хизматга чақирилди. У Москвадаги кичик командирлар мактабида уч ойлик тайёргарликдан сўнг фронтга жўнади. Ўз сафдошлари билан биринчилар қаторида фашистлар ҳужумига қарши жангга отланди. Россиянинг қуюқ ўрмонларида, ҳар лаҳза ўлим хавф солиб турган майдонларда мардона жанг қилди...

— Урушдан сўнг ҳам асирда қолган ватандошларимизни қутқариш учун ҳарбий горнизонларда хизмат қилдим, — дейди З.Жумаев. — Танамдаги ўқ излари битди, аммо юрагимдаги эмас. Бунга фақат мустақилликнинг нашидаси малҳам бўлди. Шу кунларга етказганига шукр!

Президентимизнинг 2018 йил 16 апрелдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги фармонида уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида уларга беш миллион сўмдан пул мукофоти бериш белгиланган эди. Ушбу мукофотни топшириш мақсадида Бухоро вилояти ҳокими Ўктам Барноев бир гуруҳ ёшлар билан 93 баҳорни қаршилаган Зариф ота хонадонига ташриф буюрди. Отахон Юртбошимизнинг ҳадяси — қимматбаҳо қўл соатини авайлабгина билагига тақар экан, қувонч кўз ёшларини тиёлмади.

— Президентимизга минг раҳмат! — дейди нуроний. — Шу қўл соат миллари ҳар доим, ҳар дақиқада тинчлик ва осойишталик куйини чалиб турсин. Юртимиз осмони ҳамиша мусаффо бўлсин!

**Зулфизар МАВЛОНОВА**

## ҲАРАКАТДАН ТЎХТАМАЙ

**Республикамизнинг барча ҳудудларида "Уюшмаган ёшлар ҳафталиги" давом этмоқда**



2-саҳифага қаранг

## СИРДАРЁ: ФАОЛ ВА СОҒЛОМ ТУРМУШ САРИ

**ёхуд юрт ободлигидан бошланган эзгу ишларнинг кўнгил ободлигига эврилишлари хусусида**



3-саҳифага қаранг

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

# МАМЛАКАТНИ ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАШ ЖАРАЁНИДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ РОЛИНИ ТУБДАН ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Бошланиши 1-саҳифада)

4. Белгилансинки, 2018 йил 1 июндан бошлаб:

рўйхатдан ўтказувчи орган билан нодавлат нотижорат ташкилотларининг тадбирларини келишиш тартиби режалаштирилаётган тадбирлар ҳақида хабардор қилиш тартиби билан алмаштирилади;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳисобварақларига чет давлатлардан, халқаро ва хорижий ташкилотлардан, чет давлатларнинг фуқароларидан ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан уларнинг уставларида (низомларида) назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш учун келиб тушган пул маблағларидан ва мол-мулкдан, уларни олиш рўйхатдан ўтказувчи орган билан белгиланган тартибда келишилгандан сўнг, бирон-бир тўсиқларсиз фойдаланилади;

Ўзбекистон Республикасидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари учун ажратилган грант маблағлари мазкур ташкилотларнинг мамлакатдаги исталган банк муассасаларида очилган махсус ҳисобварақларига келиб тушади;

меҳнатга ҳақ тўлаш фондини тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган келиб тушган маблағлар ҳисобидан шакллантирувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари учун ягона ижтимоий тўлов ставкаси 15 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда белгиланади;

жамоат фонди маъмурий харажатларининг, шунингдек, васийлик кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларига бериладиган мукофот пули тўловларининг ва улар ўз вазифаларини бажариши билан боғлиқ харажатлар компенсациясининг йиллик умумий суммаси фонднинг барча харажатлари суммасининг 30 фоизидан ошмаслиги керак;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг пенсионер ходимларига пенсия уларнинг мазкур ташкилотлардаги фаолияти ягона иш жойи бўлган тақдирда, тўлиқ тўланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

а) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 январгача бўлган муддатда қуйидагиларга доир ҳужжатларни электрон тарзда тақдим этиш имкониятини таъминловчи электрон тизимни ишлаб чиқсин ва жорий этсин:

нодавлат нотижорат ташкилотларини ва уларнинг рамзларини давлат рўйхатидан ўтказишга, қайта рўйхатдан ўтказишга;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўтказилиши режалаштирилаётган тадбирлари ҳақида хабардор қилишга;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўз фаолияти тўғрисидаги йиллик ҳисоботларига;

нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан чет давлатлардан, халқаро ва хорижий ташкилотлардан, чет давлатларнинг фуқароларидан ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан пул маблағлари ва мол-мулк олишни келишишга;

б) икки ой муддатда:

нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мониторинг қилиш ва ўрганиш турлари, муддатлари, даврийлиги ва бошқа тартиб-таомилларини назарда тутувчи тартибни ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика органларига тақдим этиладиган ҳисобот шаклларини ҳамда уни тақдим этиш тартибини соддалаштириш бўйича чоралар кўрсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий тартибда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан келишилади.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари икки ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузурида нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондларини ташкил қилсин ҳамда улар ўз фаолиятини амалга оширишни давом эттириши учун 2019 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, маҳаллий бюджетлардан зарур маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

8. Белгилансинки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузурида ташкил этиладиган нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондларининг муассисларидир.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда 2019 йил 1 январгача бўлган муддатда:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри марказларида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳудудий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, бўшаб ётган ва самарали фойдаланилмаётган давлат мулки объектлари негизида "Нодавлат нотижорат ташкилотлари уйлари"ни ташкил этсин;

мазкур биноларга янги ташкил этилган, шунингдек, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган соҳаларда ўз фаолиятини амалга ошираётган нодавлат нотижорат ташкилотларини ижара тўловининг "ноль" ставкасини қўллаган ҳолда жойлаштириш чораларини кўрсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Олий суд, Бош прокуратура билан биргаликда бир ой муддатда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий ундирувларни қайта кўриб чиқиш ва сезиларли даражада қисқартириш бўйича таклифлар киритсин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) Кенгашларига:

нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари масалалари бўйича доимий фаолият юритувчи комиссияларни ташкил этиш;

нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришга, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга доир масалалар юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг эшитувларини ташкил этишни амалиётга киритиш тавсия этилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда:

қонун ҳужжатларини бузаётган ва тақиқланган фаолият билан шуғулланаётган нодавлат нотижорат ташкилотларини аниқлаш бўйича адлия органларининг бошқа давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлиги тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилсин;

гуманитар ёрдам олиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш тартиб-таомилини соддалаштириш ва муддатларини қисқартириш чораларини кўрган ҳолда, шунингдек, ушбу соҳада ягона ваколатли органни белгилаган ҳолда, Гуманитар ёрдам юкларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, аниқ йўналтирилган тарзда тақсимлаш ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш ҳамда гуманитар лойиҳалар устидан мониторинг ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни қайта кўриб чиқсин ва унинг янги таҳририни тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикасида волонтерлар (кўнгиллилар) ҳаракатини ривожлантириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин ва киритсин.

13. Манфаатдор вазирлик ва идоралар амалдаги штатлар сони доирасида раҳбар ўринбосарларидан бирини нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш бўйича масъул этиб белгиласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг мамлакатда нодавлат нотижорат секторини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган жамоат тузилмалари вакилларига ҳамда ташаббускор фуқароларга фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришга катта таъсир кўрсатган ишлари ва ютуқлари учун топшириладиган "Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун" кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда "Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун" кўкрак нишони тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида ҳукумат қарорини қабул қилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясига Танлов ўтказиш ва муваффақиятли ижтимоий аҳамиятга молик фаолиятни амалга оширганлик учун нодавлат нотижорат ташкилотларига ҳар йили мукофот бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тавсия этилсин.

17. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси нодавлат нотижорат ташкилотларининг амалий фаолияти аҳоли орасида мунтазам равишда ва кенг ёритилишини таъминласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Вазирлик ва идоралар бир ой муддатда ўзи қабул қилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур Фармонга мувофиқлаштирсин.

19. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчилари Р.Р.Иноятов ва Р.Т.Камилов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2018 йил 4 май*

ITTIFOQ KAFILLIGI OSTIDA

# АБДУЛЛАГА ҚАМОҚ ЖАЗОСИ БЕЛГИЛАНМАДИ

**Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА**

Шўрчилик Абдулла Назаров ҳақида маҳалла-кўй ёмон фикрда эмас. Шу сабаб номаъқул ишларга бирон марта ҳам қўл урмаган, бадиий адабиётга ошно бу ўспириннинг кутилмаганда жиноят содир этиши барчани таажжубга солди.

Жаҳл чиқса, ақл кетади, деганлари рост. Абдулла тенгдоши билан жанжаллашиб, унга қўққисдан тан жароҳати етказади. Ҳовури тарқагач эса, нималар қилиб қўйганини англаб, пушаймонлик оловида ёнди. Ниҳоят, айбига иқрор бўлишга қарор қилди.



Очиқ суд мажлисида жамоат ҳимоячиси сифатида иштирок этган Ёшлар иттифоқи Сурхондарё вилояти кенгаши раиси Охунжон Умаров ташкилот наврастани кафилликка олишини айтиб, уни суд залидан озод этишни сўради. Мурожаат қаноатлантирилди. Энди оиласи бағрига қайтган Абдулла Назаров Иттифоқ кўмагида ўзини ўнглашга ҳаракат қилади. Биринчи навбатда, ўқишни давом эттириши керак. Мазкур масала юзасидан Шўрчи енгил саноат касб-ҳунар коллежи раҳбарияти билан амалий ишлар олиб борилмоқда.

# НАМАНГАН НАМУНАГА АЙЛАНАДИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Дарвоқе, ҳар қандай хурсандчилик, энг аввало, тўкин ҳаётга ярашади. Шу маънода Президентимиз вилоятимиз иқтисодиётини кўтариш билан боғлиқ бир қатор омилларга тўхталиб, ҳудуднинг иқтисодий салоҳиятига мос шароитни яратиш тўғрисида мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди. Жумладан, бир миллион аҳоли бандлиги ва реал даромад манбаини таъминлашга эришиш имконини берадиган пиллачиликни ривожлантириш орқали азалий Наманган атласи шуҳратини тиклаш, чорвачиликни кенгайтириш ҳисобига вилоятда гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарни ва уларда янги иш ўринларини яратиш, 100 миллиард сўмга тенг лойиҳа доирасида балиқчилик соҳасида Норин дарёси имкониятларидан кенг фойдаланиш, лизинг маблағлари ҳисобидан ҳар бир хонадонга 100 тадан товуқ олиб бериш орқали паррандачиликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш каби аниқ ҳажм ва манзилли лойиҳалар амалга ошириладиган бўлди.

Айниқса, Президентимиз Мингбулоқ замини, ундаги қазилма бойликлар ҳақида эзгу тилак билдирганида "Илоҳим, айтганингиз келсин!" дея кўзимизга қувонч тўлди. Ва яна, Муҳтарам Президентимиз Наманганда қурилажак машина заводи ҳақида юрак сирларини очиб, яқин келажакда ажойиб янги ўзгаришлар юз беришига ишонч билдиргани барчамизни чексиз қувонтирди.

Ушбу ташриф шукуҳида яшаётган наманганликларнинг ҳаётга муносабати ўзгариб, бундай кенг кўламли ижобий янгиланишларни фақат ўз қўлларимиз билан амалга ошириш масъулиятини ортгани бизнинг энг катта ютуғимиз бўлди.

**Саидолим АБДУРАҲМОНОВ,**
**"Адолат медиа плюс" фермер хўжалиги раҳбари**

ANJUMAN

# ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШАДИ

**Нозима НУРАЛИЕВА**

**Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбирда олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, педагог ва раҳбар кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнларини такомиллаштиришга илғор хорижий технологияларни кенг жалб қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Қайд этилганидек, ўтган давр мобайнида 68 та академик лицей олий таълим муассасалари тасаррруфига ўтказилиб, улар дарслик, ўқув-қўлланмалар ва зарурий жиҳозлар билан таъминланди. Ўқитувчи ва ўқувчиларни моддий қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилди. Шунингдек, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан муваффақиятли ўтолмаётган педагоглар асосий ишидан ажралмаган ҳолда курсларни қайта ўзлаштириш имконига эга бўлди.

Анжуман давомида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволлар билан мутахассисларга мурожаат қилди.

# ҲАРАКАТДАН ТЎХТАМАЙ



Ёшлар иттифоқи ташаббуси билан амалга оширилаётган лойиҳа доирасида **Нурота** туманида "Мен дўстимни танладим!" акцияси ўтказилди. Турли викториналар ўтказилиб, ғолибларга китоблар жамланмаси тақдим этилди. Шунингдек, тумандаги "Шайхон" маҳалласидаги ишсиз йигит-қизлар билан ўтказилган очиқ мулоқотда Бибисора Аҳмедованинг тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш учун ер олишда қийналаётгани маълум бўлди. Тенгдошимизнинг муаммоси жойида ҳал этилди.

— 2016 йилда банкдан кредит олиб, паррандачиликни йўлга қўйгандим, — дейди Б.Аҳмедова. — Рости, муаммо бунчалик тез ҳал бўлишига ишонмагандим. Боиси икки йилдан буён ер сўраб кўплаб ташкилотларга мурожаат қилдим. Бироқ тайинли жавоб олмадим. Бугун эса, Ёшлар иттифоқи кўмаги билан маҳалламиз ҳудудидан менга ер ажратилди.

Ҳафталик давомида туманда "Спорт — соғлиқ гарови" шиори остида югуриш мусобақаси ўтказилиб, 114 нафар ёш қамраб олинди. Навоий шаҳрида тенгдошларимиз "Заковат" интеллектуал ўйинида ўз билимини намойиш этди. Кармана туманида ҳарбийлар билан ўтказилган мулоқот ҳам ёшларда катта таассурот қолдирди.

Ёшлар иттифоқи кўмагида **Каттақўрғон** тумани "Ноқис" маҳалласида истиқомат қилувчи опа-сингил Мадина ва Муниса Аҳророваларнинг ҳам муаммоси ҳал бўлди. Уларга ўз бизнесини бошлаш учун имтиёзли кредит берилди.

Самарқанд шаҳрида ташкил этилган меҳнат ярмаркасига 840 нафар ишсиз ёш жалб қилинди. Тадбирда йигит-қизларга ишга жойлашиш ва хорижда ишлаш тартиблари ҳақида маълумот берилди. Ярмарка иштирокчиларининг 17 нафари ишга жойлашган бўлса, 41 нафари чет тили, компьютер технологиялари бўйича тўгаракларга аъзо бўлди.

Худди шундай меҳнат ярмаркаси **Оқдарё** туманида ҳам ташкил этилди.

Иттифоқнинг **Хонқа** тумани кенгаши томонидан бандликка кўмаклашиш бўлими билан ҳамкорликда ўтказилган меҳнат ярмаркаларида 350 нафар йигит-қиз иштирок этди. 110 нафари маҳорати ҳамда қизиқишига қараб турли йўналишлар бўйича мавсумий ва доимий ишларга жалб қилинди.

Ҳафталик доирасида Ёшлар иттифоқининг **Қашқадарё** вилояти кенгаши ва адлия бошқармаси ҳамкорлигида китоб ярмаркаси ташкил этилди.

Ёшларнинг мутолаа маданияти ошириш, уларда сиёсий дунёқарашни шакллантириб, ҳуқуқий билимини мустаҳкамлашни мақсад қилган лойиҳада турли кодекс ва меъёрий-норматив ҳужжатлар тўпламлари арзон нархларда сотувга қўйилди.



**Бухоро** вилоятида ҳафталик давомида 170 нафарга яқин йигит-қиз иш билан таъминланган бўлса, 31 нафар тенгдошимизга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун имтиёзли кредитлар берилди. Шу билан бир қаторда, 297 нафар ёш Иттифоқнинг маҳаллий кенгашлари қошида ташкил этилган касб-ҳунар тўгаракларига жалб этилди. Лойиҳа давомида давра суҳбатлари, учрашув ва маданий тадбирлар, спорт мусобақалари ўтказилмоқда.



Масалан, Қоравулбозор туманида уюшмаган ёшлар ўртасида шашка, кураш ва футбол мусобақаси ташкил қилинди. Ғолиблар диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Иттифоқнинг **Ғиждувон** тумани кенгаши масъуллари "Позагари" маҳалласида истиқомат қилувчи Шаҳноза Қўлдошева билан учрашиб, унинг орзу-истакларига қулоқ тутди. Тенгдошимиз жисмоний имконияти чекланган бўлишига қарамай, ўзига жуда ҳам талабчан. У зардўзлик ва тикувчиликка қизиқади. Бундан ташқари, шеърлар ҳам машқ қилиб туради.

Шаҳнозанинг қобилияти эътибордан четда қолмади. Мутасаддилар унга тикув машинаси олиб бериш ҳамда илк шеърий тўпламини чоп эттиришга кўмак берадиган бўлди.

**Мухбирларимиз.**

# СИРДАРЁ: ФАОЛ ВА СОҒЛОМ ТУРМУШ САРИ

## ёҳуд юрт ободлигидан бошланган эзгу ишларнинг кўнгил ободлигига эврилишлари хусусида



*Жорий йил 29 апрелдан бошлаб Сирдарё вилоятининг Боёвут туманида жами 100 нафар турли даражадаги давлат ташкилотлари раҳбарлари бошчилигида шакллантирилган 10 та ишчи гуруҳи томонидан ижтимоий-маънавий муҳит, аҳоли ва ёшларнинг турмуш тарзи, дунёқараши, муаммолари ўрганилмоқда. Бу борада манзил Боёвут тумани этиб белгилангани бежиз эмас. Боиси Боёвутда аҳоли турмуш тарзи ва ижтимоий муҳофазасини яхшилаш, дунёқарашини кенгайтириш, боқимандалик кайфиятидан фаол меҳнатга чорлаш, эзгу инсоний фазилатларни рағбатлантириш, ёшларнинг ишбилармонлик иштиёқи ва тадбиркорлик қобилиятини ривожлантириш, маънавий-маърифий ҳамда маданий тадбирларни ўтказиш масалаларида йиллар давомида аниқ ишлар қилинмагани оқибатида кўплаб муаммолар ечимини кутаётган эди.*

Дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қаҳрамон Қуранбаев туманда "Ёшлар – Ўзбекистон келажаги" шиори остида комплекс чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган "Обод кўнгил" лойиҳасини рўёбга чиқариш бўйича матбуот анжумани ўтказди. Унда ишчи гуруҳлар томонидан ҳар бир оила кесимида туманнинг ҳақиқий ички ҳолатини ўрганиш ва аниқланган муаммоларни тезкор ҳал этиш юзасидан аниқ кўрсатмалар берилди.

Давлат маслаҳатчиси Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов ҳамроҳлигида "Ҳосилобод" маҳалласида истиқомат қилаётган 94 ёшли 1-гуруҳ ногирони Ўскан бобо Ҳожимонов хонадонида бўлиб, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчисига Президентимиз фармонига кўра 5 миллион сўм пул мукофотини ва телевизор топширди.

Ишчи гуруҳ "Мовий само" кўчасидаги 9-хонадонда 6 нафар ўғил-қизни уйли-жойли қилиб, 11 невара қуршовида яшаётган Турон бобо Бойқуловнинг томорқасида барча турдаги мева ва сабзавотлар пишиш арафасида турганини кўриб, бир парча ердан ҳам даромад, ҳам баҳра олиш мумкинлигига амин бўлди. Турон бобо билан бўлган мулоқотда маҳалланинг жиноятчиликдан холи ҳудуд экани, қўшнилар аҳил-иноқ яшаётгани аён бўлди. Бироқ маҳаллада муаммо ва камчиликлар ҳам етарли экани, кутубхона, дорихона, болалар майдончаси йўқлиги, ичимлик суви танқислиги ҳам айтилди.

Аниқланган муаммоларни зудлик билан ҳал этишга киришилиб, жами 10 минг дона бепул китоблар жамланмаси келтирилди. Маҳаллада "Энг яхши кутубхона" мажмуасини ташкил этишга киришилди.

Навбатдаги манзил – хорижий тилларга ихтисослаштирилган 2-мактаб-интернатда директор, 40 йилдан буён таълим-тарбия соҳасида ишлаб келаётган Актам Ҳотамов ёшларга тарихнинг бетакрор сабоқларини етказиш мақсадида ташкил этган музей бошқаларга ибрат қилиб кўрсатилди. Боғ-роғга айланиб, анвойи гулларга бурканган, жами 168 нафар ўқувчи таҳсил олаётган мазкур таълим масканида "Бир ўқувчига минг дарахт" шиори амал қилиб келинаётгани сабаб, мактаб ҳовлисида чиндан ҳам бир ўқувчига 1000 тадан дарахт тўғри келишини кўрган меҳмонлар ҳайратини яширмади. Мана шундай яратувчанлик ишқи билан яшаётган мактаб жамоасига Давлат маслаҳатчиси замонавий ноутбук ҳамда рангли принтер, ўқув проектори совға қилди.

Айни пайтда ишчи гуруҳларга маънавият ва маърифат, маданият, санъат, спорт, таълим-тарбия соҳаси вакиллари, таниқли ижодкорлар, профессор-ўқитувчилар ва Ёшлар иттифоқининг илғор вакиллари жалб этилиб, секторлар фаолияти бўйича 15 нафардан вилоят ва туман ташкилотлари мутасаддилари бириктирилгани ишлар самарадорлигини таъминлаш имконини бермоқда.

Туманда аҳоли ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи маданиятини шакллантириш мақсадида ишлаб чиқилган алоҳида дастур асосида ҳар куни барча маҳалла фуқаролар йиғинларида спорт мусобақалари ва тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда. Ҳудудда яшайдиган кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини, айниқса, ёшларнинг маънавий-маърифий савиясини юксалтириш ва дунёқарашини кенгайтириш мақсадида "Ёшлар овози", "Халқ сўзи" газеталари ва "Ёш куч" журналига имтиёзли обуна ташкил этиш бўйича жами 2 мингта оиланинг манзилли рўйхати шакллантирилди, вилоят ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари О.Абдуғаниев бу ишга масъул этиб белгиланди.

Шунингдек, туманда аҳоли ва ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида "Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар" ярмаркасини ташкил этиш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқилиб, бугун тумандаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабида биринчи меҳнат ярмаркаси ташкил этилади. Навбатдаги намунавий меҳнат ярмаркаларини Боёвут, Ховос туманлари, Гулистон, Янгиер ва Ширин шаҳарларида ўтказиш белгиланди.

Бугунги кунда 19 минг фуқаро ишсиз бўлган Сирдарё вилояти учун бу тадбирнинг аҳамиятини ортиқча изоҳлаш шарт эмас, албатта.

Умуман, ўрганиш доирасида аниқланган муаммолар бўйича таҳлилларга мурожаат қилсак, ишчи гуруҳ аъзолари хонадонлар, ижтимоий соҳа объектлари ҳолати, одамларнинг ижтимоий кайфияти ва маҳаллалардаги муҳит билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор билан ёндашаётганини кўриш мумкин. Оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳит (аҳолининг дунёқараши ва маданияти, таълим-тарбия маданияти, китобхонлик, оилага тайёрлаш ва турмуш маданияти); соғлиқни сақлаш (тиббий ва гигиена маданияти, соғлом турмуш маданияти); табиий газ ва ичимлик суви таъминоти; таълим муассасалари фаолияти; бандлик, банк кредити, тадбиркорлик фаолияти; уй-жой таъминоти; ҳуқуқбузарликлар профилактикаси; моддий ёрдам ва бошқа масалалар, шулар жумласидандир.

Таъкидлаш жоизки, ишчи гуруҳлар томонидан ҳар куни оддий одамларнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ юзлаб муаммоларнинг жойида ҳал этилаётгани маҳаллий давлат идоралари мутасаддиларига ўзига хос сабоқ бўлмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат хусусида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Республика ишчи гуруҳи томонидан аниқланган муаммолар хусусиятидан келиб чиқиб, тумандаги мавжуд маданият ва аҳоли дам олиш масканлари, таълим муассасалари ва бошқа объектлар имкониятларидан унумли фойдаланилмоқда. Бу ҳар бир маҳаллада аҳоли ва ёшлар билан очиқ мулоқотлар, маданий-маърифий тадбирлар, мушоира кечалари, театр ҳамда концерт дастурлари ташкил этиш имконини бермоқда. "Пахтакор", "Беруний", "Истиқлол", "Миришкор" МФЙларида ўтган очиқ мулоқот ва концерт



дастурлари бунинг яққол тасдиғидир. Республика тарғибот гуруҳлари иштирокида туманда ташкил этилган "Обод кўнгил" тарғибот лойиҳаси шоу-гала концертида эса, 4 минг нафарга яқин аҳоли ва ёшлар кўтаринки кайфиятда қатнашди.

Туман аҳли учун уюштирилаётган маданий тадбирлар ҳам кенг қулоч ёйди. Мазкур тадбирларда Ўзбекистон халқ артистлари Эркин Комилов, Мирза Азизов, Гулбаҳор Эрқулова, Боир Холмирзаев каби таниқли санъат дарғалари одамларимиздаги боқимандалик кайфиятини йўқотиш, тиббий ва шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш, катталарга ҳурмат ва кичикларга иззат кўрсатиш, миллий урф-одат ва анъаналар, таълим ва тарбия уйғунлиги, китобхонлик, ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш каби мавзуларда очиқ мулоқотлар ўтказди.

Маҳаллалар ва мактабларда театр актёри Турғун Бекназаров ва Азиз Ражабий, актриса Муяссар Бердиқулова ҳамда "Ниҳол" мукофоти совриндори Дилшод Раҳмонов, эл севган санъаткорлар Аҳрор Усмонов, Оғабек Собиров ва Илҳом Фармонов иштирокида ўтган концерт дастурлари, Эшқобил Шукур, Сирожиддин Рауф, Бахтиёр Ҳайдаров каби Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари билан "Мен севиб ўқиган китоб" мавзуидаги адабий учрашувлар, аҳоли ва ёшлар ўртасида "Китоб ўқилаётган уйга бахтсизлик кирмайди" номли мушоира тадбирларининг ташкил этилгани айни муддао бўлди.

Боёвут маҳаллаларини кезиб юрган ишчи гуруҳ аъзолари аксарият спорт иншоотларининг аянчли аҳволга келиб қолганини, мактаб ва коллежларнинг спорт майдончаларидан деярли фойдаланилмаётганини кузатиб, ачинди. Мазкур ҳудуд ёшларида ҳам халқаро спорт ареналарида шуҳрат қозониб, туғилиб ўсган қишлоғини танитиш, ҳамқишлоқларини руҳлантириб яшаш иштиёқи бўлса керак, ҳарҳолда. Бироқ маҳаллий мутасаддиларнинг бу каби масалаларга ҳафсаласизлиги боис, ушалмай қолаётган орзулар кўпайиб бораяпти, холос. Туманда бундай нохуш манзарага чек қўйиш, одамларни бирлаштирадиган спорт турларини қайта жонлантириш, аҳоли ўртасида спорт ва соғлом турмуш маданиятини кенг тарғиб этиш мақсадида шахмат, футбол ва волейбол бўйича мусобақалар

**Ишчи гуруҳлар томонидан ҳар куни оддий одамларнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ юзлаб муаммоларнинг жойида ҳал этилаётгани маҳаллий давлат идоралари мутасаддиларига ўзига хос сабоқ бўлмоқда.**

уюштирилди. Ташналикданми, беллашувларда минглаб ёшлар бажонидил қатнашди. Футбол, волейбол, юнонрум, белбоғли кураш, стол тенниси, енгил атлетика, армрестлинг бўйича ташкил этилган мусобақаларда минглаб катта-кичик аҳоли вакилларининг томошабин сифатида иштирок этгани бу каби оммавий тадбирларни кўпроқ ўтказишга талаб ҳам, имкон ҳам борлигини кўрсатди.

Ўрганишлар доирасида, айниқса, Ёшлар иттифоқи томонидан ташкил этилаётган акция ва тадбирлар кўпроқ қизиқиш уйғотаётганини айтиш лозим. Биргина "Библиобус" кўчма кутубхона акцияси давомида ўқувчи-ёшларга минглаб нусхада бадиий китоблар бепул тақдим этилиб, яна шунча китоб ёшлар ва уларнинг ота-оналари томонидан арзон нархларда харид қилингани бунинг яққол тасдиғидир. Ёки туманнинг "Истиқлол" маҳалласидаги маданият ва истироҳат боғида Муқимий номидаги мусиқали драма театри актёрлари томонидан саҳналаштирилган "Жайдари келин" спектаклининг намойиш этилгани юзлаб маҳалла аҳлининг кўнглига нур олиб кирганни, шубҳасиз. Алишер Навоий маҳалласидаги 3-умумтаълим мактабида таниқли маданият ва санъат намояндалари иштирокида ташкил этилган китобхонлик танловида 300 нафар аҳоли ва ёшлар фаол иштирок этиб, ғолибларга юртимизда ишлаб чиқарилган замонавий телевизор, планшет ва "Artel" русумли телефонлар берилгани эса, узоқ вақт эсда қолиши аниқ.

Маҳаллаларда аҳоли ва ёшлар билан олиб борилган учрашувлар давомида китобхонлик маданиятини юксалтириш бўйича жами 550 дона бадиий китоб ҳамда бир минг бир юз нусха "Ёшлар овози" газетаси бепул тарқатилди.

Одатда фақат тўю тантана ва эҳсон тадбирларини ўтказишга ўрганиб қолган "Файз" тўйхонасида 400 нафар маҳалла аҳли билан китобхонлик маданиятини юксалтириш мавзуида давра суҳбати ўтказилгани кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Фаол қатнашчиларга мингтага яқин бадиий адабиёт тарқатилганида ҳаётга маданий ёндашувнинг аҳамиятини барча бирдек ҳис этган бўлса, ажабмас.

Одамларни бирлаштирувчи, кўнгил ва юрт ободлигига чорловчи ана шундай тадбирлардан руҳланган юзлаб аҳоли вакиллари, айниқса, ёшлар ўзлари истиқомат қилаётган ҳудудни ободонлаштиришга, хашар ташкил этиб, ҳовли ва томорқаларни тартибга келтириш, ариқ ва йўл четларини тозалашга киришиб кетди. Чиқиндилар олиб чиқиб кетилди. Ён-атроф чиннидек бўлганидан завқланган кишиларнинг ўз турмуш тарзига, маданий тадбирларга нисбатан муносабатининг ўзгаргани кўзга ташланиб қолди.

Ўзаро суҳбатлар ҳам майда-чуйда, енгил-елпи гаплардан ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, бунёдкорлик, садоқат ва адолат мавзуларига кўча бошлади.

"Обод маҳаллада файзли инсонлар яшайди", "Обод маҳаллани бирга қурамиз" мавзуларидаги тарғибот тадбирларидан таъсирланган аҳоли боқимандалик кайфиятидан чиқиб, ёшлар тарбияси, бандлиги ҳақида қайғурадиган, таълим муассасалари мутасаддилари эса, таълим-тарбия сифатини ошириш, опа-сингилларимиз шахсий гигиена қоидалари хусусида ўйлайдиган, кексалар бузғунчи таъсирлардан сақланиш, оилавий маросимларни тартибга солиш ва умуман, турмуш маданиятини ижобий томонга ўзгартириш борасида муҳокамаларга ёндашадиган бўлди. Аслида мақсад ҳам шу эди.



Шу ўринда қайд этиш лозимки, кейинги йилларда маҳаллалардаги уюшмаган ёшлар тақдири билан етарли қизиқмаганимиз, афсуски,



бор гап. "Маданият" маҳалласида уюшмаган ёшлар учун ташкил этилган "Тадбиркорлик сирлари" мавзусидаги семинарда ҳаётнинг айни навқирон палласидаги фарзандларимизнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг куч-қудратини ўз келажагини яратишга ва она Ватанга хизмат қилишга йўналтириш масаласи бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этиши янада ойдинлашди.

Боёвутда касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, китобхонлик, диний-маърифий саводхонликни, муомала, одоб-ахлоқ маданиятини юксалтириш мақсадида олий ўқув юртларини давлат грантлари асосида битирган ёшлар билан учрашув ташкил этилди. Унда, шунингдек, туман ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш имкониятлари, ёшларнинг истиқболга доир ташаббуслари ҳам муҳокама қилинди.



Яна бир масала. Туман тиббиёт бирлашмаси тизимидаги патронаж ҳамширалар ва шифокорларни жалб этган ҳолда аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиш вақтида тиббий маданият, шахсий гигиена қоидаларига амал қилишнинг аҳамияти ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилди. Аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш вақтида юзлаб касаллик аниқланиб, саломатлиги ҳолатига кўра уларга амбулатор ёки стационар даволанишга йўлланмалар берилди.

Боёвут туманида жорий йилнинг I-чораги давомида 29 та оила расмий ажрашган. Ҳозирда 33 та оила ажрашиш бўйича ариза берган бўлиб, улардан 13 таси шаърий никоҳ билан иккинчи турмуш қургани аниқланган.

Республика ишчи гуруҳи томонидан оилавий можароларни бартараф этиш мақсадида маҳалла фаоллари, таълим-тарбия соҳаси вакиллари, таниқли актёр ва эстрада хонандалари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси, вилоят бош имом хатиби ҳамда Ёшларга ижтимоий психологик хизмат кўрсатиш марказининг мутахассислари иштирокида яраштириш комиссияси тузилиб, ажрим ёқасида турган оилалар сақлаб қолинишига эришилгани таҳсинга лойиқ.

Ёшларга ижтимоий психологик хизмат кўрсатиш марказининг психологлари томонидан тумандаги 38 та маҳалла раисларининг диний маърифат ва маънавий ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиларига "Ажримларнинг олдини олиш", "Нотинч ва ноқобил оилалар билан ишлаш", "Ёшлар ўртасида суиқасднинг олдини олиш" мавзуларида ўқув-семинарлари ташкил этилгани амалий аҳамият касб этди.

Яна шуни алоҳида қайд этиш керакки, Боёвут туманида аҳолининг, маҳалла фуқаролари йиғинларининг психологик портретини шакллантириш бўйича ҳам муайян ишлар қилинмоқда. Ёшларга ижтимоий психологик хизмат кўрсатиш маркази томонидан 3 босқичли маҳалланинг психологик портретини шакллантириш лойиҳаси режалаштирилган бўлиб, бу бўйича ҳар бир МФЙдан 30-40 нафардан 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган аҳоли билан суҳбатлар ўтказилди. Айни пайтда махсус мулоқот технологияларини қўллаган ҳолда социологик сўров, психологик кузатувлар олиб борилмоқда. Бугунга қадар аксарият маҳаллаларнинг ижтимоий-психологик портретини шакллантириш ишларининг 2-босқичи якунига етди.

Боёвут туманида "Ёшлар – Ўзбекистон келажаги" дастурини рўёбга чиқаришга қаратилган кенг кўламли ишлар давом этмоқда.

**Фахриддин КАРИМОВ**

YOSHLIK ILHOMI

# АНВАРНИНГ "СИРИ"

Дилшодбек РАҲМАТУЛЛАЕВ

**Анвар бўш қолди дегунча, газета-журнал ёки китобдан бош кўтармайди. Барча фанларнинг сир-асрорларини билишга уринади.**

Алгебра дарси. Ўқитувчи назорат иши олишининг тартибини тушунтирарди. Анварнинг хаёли бошқа жойда, шекилли, унинг гапларига қулоқ тутмай, алланималар ёзиб ўтирарди. Устознинг жаҳли чиқди, қоғозни олди-да, бурда-бурда қилди. Анварнинг овози титраб, базўр узр сўради.

Эртасига у мактабга келмади. Бу ҳол уч-тўрт кун давом этди. Синф раҳбаримиз хавотирлана бошлади. Бетоб, дея тахмин қилдик. Ҳафта якунида синфдошлар йиғилиб, кўргани бордик. Эшикни Анварнинг онаси Сожида опа очди. Ичкарига кирдик. Шу маҳал оғилхонадан зардали овоз эшитилди: "Ишингни тугатдингми, дардисар?". Анвар томорқадан югуриб чиқди-ю, бизни кўриб, бошини қуйи солди.

Келаси ҳафта у мактабга келди. Синф раҳбаримиз дарҳол нима учун сабабсиз дарс қолдирганини сўраб, унга дакки бера бошлади. Дўстимиз бироз тараддудланди ва отаси билим олишга беҳуда вақт сарфлагунча, унга ёрдам бериб, пул топиши кераклигини уқтиришини, ҳар сафар жанжал билан мактабга келишини айтди.

Устоз эртаси куниёқ ота-оналар мажлисини ўтказди. Унда қандай масала муҳокама қилинганини билмадим-у, аммо Анвар ўшандан буён дарсда хотиржам ўтирадиган бўлди.

# ОНАМ кетган кун

Дилшод НУСРАТОВ

**Тун ярим, ҳолсизман. Иссиғим баланд. Уйқум ўчган. "Қув-қув" йўталаман. Эртаклардаги олов пуркайдиган аждарҳодай оғзимдан иссиқ ҳовур чиқади.**

Халоскорим — онам. Эрталабгача атрофимда гирдикапалак бўлди. Дори-дармон қилиб, кўрпага ўраб қўйди.

Эрталаб қушдек енгил бўлиб уйғондим. Ювиниб ошхонага йўл олдим. Ширчой тайёрлаётган онамни кўриб ҳайрон қолдим. Ажабо, бир кечада онажоним сочлари сутдек оқариб кетибди-я!

Яна ўша қора тун... Онам бетоб, дарддан азоб чекиб, инграйди. Мен эса, бепарво, ширин уйқудаман. Еттинчи осмонда учиб юрибман. Тушимда онамни кўрдим. Қуёш ерни қиздиришига қарамай: "Совқотиб қолмагин, болажоним", — деб устимга чопон, бошимга дўппи кийгизди. Қизиб кета бошладим. Олов ичида қолгандекман, гўё. Аланга ҳамма ёғимни куйдира бошлади, уйғониб кетдим. Кўзларимни очганимда, кимдир эгнимга чопон ташлади. "Бардам бўл, укажон!"

# СОҒИНЧ

Муҳаммадхон ЮСУПОВ,
Республика ёш ижодкорлар кенгаши аъзоси

— Алло, — деди эркак машина бошқариб кетаётгани сабаб телефонини баланд овоз режимига ўтказиб.

— Дада, — жавоб берди чамаси олти-етти яшар бола. — Ойим келмабди.

— Яна-я?! Ишқилиб овқатингни тайёрлаб қўйибдими?

— Билмадим, ҳали қарамадим.

— Айтганча, ўғлим, машинада ручканг қолиб кетибди, эртага сенга керак бўлмайдими?

— Йўқ, менда бошқаси бор.

— Яхши, — эркак шундай деб машинасини кўп қаватли уйлар жойлашган мавзега олиб кирувчи йўлга бурди. — Ойинг келса нима дейишни биласан-а? Қани бир қайтар-чи!

— Ойимга салом бераман, нега кеч қолганини сўрайман, ўзим аллақачон келиб бўлганимни айтаман.

— Нимада келдим дейсан?

— Автобусда.

— Яхши, мен ҳақимда сўраса-чи?

— Дадамни кўрмадим, олдимга ҳам келмай қўйди. Уни жуда соғиндим, олдига олиб боринг, дейман.

— Қанақа овозда? — жилмайиб сўради ота. Болакай юқоридаги гапларни ғингшиган товушда такрорлади.

— Баракалла, ўғлим. Фақат бошқа ҳолатда ойингга ёлғон гапирмагин, хўпми?

— Хўп, дада.

Йигит машинасини кўп қаватли уйлардан бирининг ёнида тўхтатди.

— Бўпти, ўзингни эҳтиёт қил! Эртага ҳам ишдан эртароқ бўшай олсам ўқишингдан олиб кетаман.

— Хайр, дада.

— Хайр.

Эркак телефонда гаплашиб бўлиб, машинадан тушди. Эшикни беркитиб, йўлаклардан бирига кирди. Зинадан кўтарилаётган пайтда телефони жиринглади. Мониторга қаради-ю, жавоб бермади. У уйга кириб оёқ кийимини ечаётганда ички хонадан қулоғига телефон тутганча саккиз-тўққиз ёшлар чамасидаги қизча чиқди. Дадасини кўрибоқ, телефонни қулоғидан олди.

— Ассалому алайкум. Қачон келаркансиз деб қўнғироқ қилаётгандим.

— Ваалайкум ассалом, ўзинг қачон келдинг?

— Ҳозиргина.

У йўл-йўлакай бўйинбоғини ечганча ичкари хонага кириб кетди. Қизалоқ эса, югурганича дераза олдига бориб, пастга энгашди. Дадасининг машинасидан сал нарироқдаги дарахт орқасидан мўралаб турган аёл уни кўриб панадан чиқди. Қиз унга қўл силкиди. Аёл ҳам.

Ичкаридан дадасининг овози эшитилди.

— Ойинг сени кўргани келмадими?

— Йўқ! — жавоб берди қиз ундан узоқлашаётган аёлга маъюс тикилиб. — Аммо уни жуда соғиндим...











# ҲАММАСИ УЧУН ташаккур!



Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан пойтахтимизда "Мардлик, бурч ва садоқат" шиори остидаги акция ўтказилди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда Мудофаа вазирлиги ҳамкорлигида амалга оширилган лойиҳа доирасида Иккинчи жаҳон уруши давридаги ҳарбий транспорт воситаларидан иборат автокарвон шаҳар бўйлаб ҳаракатланди. Акция давомида ҳарбий оркестр томонидан ғалаба қўшиқлари ижро этилди.

Шу кунларда иттифоқ фаоллари уруш қатнашчилари ҳолидан хабар олмоқда.

Шаҳноза НУРУЛЛАЕВА

## 1 САВОЛГА 1 ЖАВОБ

**— Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати инспектори автотранспорт воситасини тўхтатганда ҳайдовчи ундан хизмат гувоҳномасини кўрсатишни талаб қилиши ҳамда гувоҳномани қўлига олиб, батафсил ўқиб кўриши мумкинми?**

**Шерзод ХИДИРОВ**
Гулистон шаҳри



**Саволга ҳуқуқшунос Асрор ЭРГАШЕВ жавоб беради.**

— 2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 8-моддаси, 7-қисми, 1-банди талабларига мувофиқ, ички ишлар органи ходими фуқарога мурожаат этганида ўз лавозими, унвони, фамилияси, исми, отасининг исмини айтиши, фуқаронинг талабига биноан хизмат гувоҳномасини кўрсатиши, шундан сўнг мурожаатнинг сабаб ва мақсадини маълум қилиши шарт.

**Ёш ҳуқуқшунослар кенгаши билан ҳамкорликда тайёрланди).**

## O`QING, BU QIZIQ!

Тарихдаги биринчи суғурта шартномаси 1346 йилда тузилган.

Ўтган асрнинг йигирманчи йилларида киноактёр Бен Терпин ўз кўзларини 20 минг АҚШ долларига суғурталаган. Америкалик режиссёр Стивен Спилберг эса, ҳаётини суғурталаш учун 1,2 миллиард АҚШ доллари тиккан.



*Адлия вазирлигининг "Ҳуқуқий ахборот" каналидан олинди.*

HAYOT MANZARALARI

# ҲОЗИРГИ ЁШЛАР анойи эмас

Насиба АБДУЛЛАЕВА

**Анор хола дастурхондаги буғи чиқиб турган мантидан бир-иккита еди-ю, қўлини артди. Таом бемаза эмас, шунчаки, холанинг томоғидан ўтмади. "Мен хоним-манти қилиб еб ўтирибман, бечора болаларим нима қиляпти экан?", деган ўй ўтди ичида.**



Холанинг фарзанди — Аҳроржон оиласи билан яқинда уй олиб, кўчиб кетди. Ўғли кўнгилчан, келини эпчилгина эмас. Кечалари онаизорнинг уйқуси қочади. Ранги бир аҳвол ўғли, қаровсиз, оч-наҳор невaралари, сочлари пахмайган келини кўз ўнгида гавдаланади. Ювуқсиз идиш-товоқ, ваннадаги уюм-уюм кирлар хаёлидан ўтади...

Анор хола кечга томон бозордан патир, гўшт-ёғ, невараларига ширинликлар харид қилиб, ўғлиникига қараб жўнади. Эшикни келини очди. Эндигина ишдан келган экан. Уйлар ораста. Хушбўй ҳиддан холанинг хира кўнгли ёришди. Келини бирпасда дастурхон тузади. Қайнонаси келганини суюнчилаб, эрига қўнғироқ қилди.

У ёқ-бу ёқдан сўзлашиб, чой ичишди.

— Ойижон, бирпас ўтириб туринг, болаларни боғчадан олиб келай, майлими? — деди келини. У кетгач, хола ўрнидан туриб уйларни кўздан кечирди. Ҳаммаёқ тоза, ёғ тушса ялагудек. Хобхонадаги шкафни очди. Аҳроржоннинг кийимлари дазмоллаб, илинган. Болалар хонасида ҳам ҳамма нарса жой-жойида. Ошхонадаги газ плитаси ярақлаб турибди. Музлаткичда жамики егуликдан бор. Невaралари боғчадан хурсанд кириб келишди. Бувисини соғиниб қолишган экан, узоқ вақт қучиб, қўйиб юборишмади.

— Ойижон, шўрва ташлаб қўяй, сиз ёқтирган таом, — деб, келини овқатга уннади.

— Қийналмаяпсизлармиʔ — сўради хола.

— Ойижон, бошида қийналдик. Катта хонадонда яшаб, ўрганиб қолган эканмиз. Ҳувиллаб, бир-биримизга термуламиз. Барибир, кўпчиликниннг файзи бўлакча экан. Болалар сизларни соғиниб, тўполон қилди. Ишдан келишимга овсиним Юлдузхон уй ишларини қилиб турар экан, билинмасди. Энди ҳаммаси ўзимга қолди. Аҳрор акамнинг кийимларини бир ҳафтага етгулик қилиб ювиб, дазмоллаб қўяман. Яхши бўлар экан. Болаларни боғчага олиб боришни ўғлингиз билан навбат қилиб олдик. Музлаткичга сомсага хамир, қиймалар тайёрлаб солиб қўяман, баъзан улгуролмаган пайтларим овқат қилиш осон.

Пулни иқтисод қиляпман, ойижон. Ҳар куни икки-уч минг сўм "Мушукча"мизга ташлаб қўяман. Шанба-якшанба кунлари тикув цехи билан келишиб, иш оляпман. Битта кўйлакка икки мингдан беришади. Бу, ишдан ташқари "бизнес"да, ойижон. Уй, болалардан ортиб бемалол йигирмата кўйлак тикяпман. Худо хоҳласа, Сарваржоннинг суннат тўйигача маблағ йиғиб қўямиз бу туришда.

Хола ич-ичидан қувонди. Шу орада ўғли ҳам ишдан келиб, уйда байрам бўлиб кетди. Костюм-шимда, ораста кийинган Аҳроржон анча тўлишибди. У хурсанд, онасини ўтқизгани жой тополмасди. Уни-буни илинар, хола эса, хижолат тортарди. Болалари чувиллашиб дадасига ёпишиб, уни от қилиб миниб қувнашди. Шўрва пишди.

— Ойижон, қўшни кампирнинг ҳеч кими йўқ, ёлғиз, шўрвадан бериб қўяй, савоб, — деб келин овқатни кампирга бериб чиқди.

Хола невaралари қучоғида маза қилиб ухлади. Анор хола эрталаб уйга қайтар экан, ичида ғурур билан: "Ҳозирги ёшлар анойи эмас!" — деб қўйди.

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
ISSN 2010-6998
БОШ МУҲАРРИР
Каримов Фахриддин Турдалиевич

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Камолиддин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзажонов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова — бош муҳаррир ўринбосари ("Yoshlar ovozi"); Ирина Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари ("Молодежь Узбекистана"); Елена Калинина — масъул котиб ("Молодежь Узбекистана").
Дизайнерлар
Рўзиев Зафар Ҳусанович
Абдуллаев Хуршид Ўктамжонович
Навбатчи
Акбаржон Абдураимов

«YOSHLAR OVOZI»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Таҳририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97.
(371) 233-79-69 (факс).
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.
Индекслар: 203, 3203
Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма Г- 536
Адади — 21976
Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 23.10
ЎзА якуни — 22.55
Офсет усулида босилган.
1 2 3 4 5